

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС

ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАКУЛЬТЕТИ

ТАРИХ ЙЎНАЛИШИ

1 КУРС 101-ГУРУҲ ТАЛАБАСИ

АНВАРБЕКОВА НАСИБА

МАВЗУ: АЁЛ РАМЗИ БИЛАН БОҒЛИҚ ХАЛҚ ҚАРАШЛАРИ

РЕФЕРАТ

Наманган – 2015

Мавзу: Аёл рамзи билан боғлиқ халқ қарашлари

РЕЖА:

1. Аёл рамзи билан боғлиқ қарашларнинг вужудга келиши ва эволюцияси

2. Шомонлик эътиқодида аёл талқини

3. Ислом динида аёл шахсига бўлган муносабат ва унинг ўзига хос жиҳатлари

1. Аёл рамзи билан боғлиқ қарашларнинг вужудга келиши ва эволюцияси

Қадимий диний эътиқодлар ҳисобланган анимизм, шомонлик, фетишизм, тотемизм ва магия каби тасаввурларда, шунингдек, жаҳон динлари сирасига кирувчи христианлик, ислом ва буддавийликда ҳам аёл культига оид турлича қарашлар мавжуд. Мазкур диний эътиқод ва динларда аёл шахсига муносабат бир-биридан тубдан фарқ қилади.

Аёл тўғрисидаги қарашлар ва табулар барча жаҳон динларида мавжуд бўлиб, масалан, насронийликда аёл лаънатланган биринчи жонзот сифатида гавдаланган. Бундан ташқари, Авесто¹да оила қуриш, жуфти ҳалол танлашда шошма-шошарликка йўл қўймаслик, ота-она, кексалар маслаҳатига қулоқ солиш хусусида ҳам диққатга сазовор мулоҳазалар ҳам мавжуд¹. Шунингдек, хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқини эъзозлаш, оила дахлсизлиги ва мустақамлигига эришиш, ота-онанинг фарзанд олдидаги, фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи, фарзандларни оила қуришга тайёрлаш ва кўплаб турмуш анъаналарига оид фикр мулоҳазалар баён этилган².

Зардуштийлик оиласи жамиятнинг энг қуйи бирлиги бўлиб ҳисобланган. Уй-оила бошида оила асосчиси ота турган. Уни нманопати - “бошлиқ, уй кўриқчиси” деб атаганлар. У билан бир поғонада хотини ёки оиланинг катта аёли – нманопатни турган. Зардуштийлик анъаналарига кўра уй хўжайини диний бошлиқ ва оила ҳаками ҳисобланиб, Авестада “рату” деб аталган. Уруғ отасининг бу вазифаси “нманья” деб аталиб, оила аъзоларининг барчаси диний кўрсатмаларни бажаришини назорат этишдан иборат деб ҳисобланган. Шунингдек, нманья атамаси оила ва унинг аъзолари тинчлигини асровчи яхши руҳларни ифодалаш учун ишлатилган.

¹ Аширов А. “Авесто”дан мерос маросимлар. – Тошкент: Халқ мероси, 2001. – Б. 24.

² Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий диний эътиқод ва маросимлари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. – Б. 56.

Биз шу чоққача оламнинг эзгу асослари ва уларнинг вазифалари ҳақида сўз юритдик. Энди оламнинг Ахура Мазда яратганларига қарши турувчи ёвуз асослар ҳақида бир неча сўз айтсак. Ёвуз асослар бошида фақат ёмонлик ҳақида ўйлайдиган Ахриман - Ахра Майнйу – Ангхрамайнйу туради. У Ахура Мазданинг тескараси. Ахриман ҳар бир яхшиликка қарама-қарши ёмонлик билан жавоб беради: Арта (ҳақиқат)- Драуга (ёлғон), Ёруғлик (Рау-чаҳ) - зимистон (тарик), яхшилик-ёмонлик. Драуга (дуруғ) “ёлғон” ёмонлик-ни келтириб чиқарувчи аёл сифатида намоён бўлади. Ахриманнинг ёвузлик-лари қаторида Насу ўлим ва ёмонлик тимсолидир. Ахриман жангчилари орасида асосий ролни дэвлар ўйнайди. Булар Зардушт инкор этган қадимий худолардир. Масалан, Араска – хасад дэви, Зарван – қарилик кўринишидаги касаллик, Варена – хирс, Азй – очкўзлик, апауша – қурғоқчилик дэви, яна Бушьяста – дангасалик дэви бўлиб, у инсонни эзгулик ва дин йўлидаги ҳаракатларидан чалғитади, Айшма – ғазаб дэви, у инсонни ёвуз ниятларга чорлайди. Ахриман жангчилари қаторига зардуштийлик эътиқодига қаршилар ҳам киради.

Аёл тўғрисидаги архаик қарашлар қадимги Хитойнинг фалсафий таълимоти даосизмда акс этган. Ушбу таълимотга кўра, инсонда икки жон мажуд бўлиб, унинг бири хунь (эркаклик негизи янга тегишли ва руҳни бошқаради), бошқа бири эса по (аёллик негизи инга таалуқли ва танани бошқаради). Инсон вафот этганидан сўнг хунь осмонга учиб кетади, по эса ер қаърига киради³.

Қадимда аёл тимсоли турли хил табиат элементларига ҳам қиёсланган. Бу унсурларнинг аксариятини сув, ер, дарахт ва турли хил мевалар ташкил этади. Масалан, В. Н. Басиловнинг қайд этишича, Фарғона водийси ўзбеклари тасаввурида сув ҳам бошқа унсурлар ва инсонлар сингари ўз жинсига эга бўлган. Масалан, “оқ сув” – эркак сув, “қора сув” эса аёл сув ҳисобланган⁴. Ўз навбатида шуни эътироф этиш лозимки, Фарғона водийси аҳолиси

³ Бу ҳақда қаранг: Мифологический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1991. – С. 89.

⁴ Басилов В. Н. Шаманство у народов Средней Азии и Казахстана . – М.: Наука, 1992. – С. 28.

“оқ сув” деб тоғ-тошлардан келган сувни, “қора сув” сифатида ёмғир ва қорларнинг сувини тушунган⁵. Сувни аёлга қиёслаш дунёнинг бошқа халқларида учрайди. Масалан, қадимги хитойлар аёлни сувга, она қорнини қудукқа қиёслаганлар⁶.

Қадимдан маълумки, инсон тана аъзолари маълум бир функцияни бажариши билан бирга мажозий маънодаги кўплаб рамзий белгилар ва турли хил архаик қарашларни ўзида мужассамлаштирган. Шу учун ҳам дунёнинг бошқа этнослари сингари Марказий Осиё халқларининг анъанавий турмуш тарзида инсон тана аъзолари билан боғлиқ турли хил қарашлар ва урф-одатлар шаклланган. Инсон тана аъзолари ҳисобланган қўл, оёқ, бош, соч, оғиз, кўз, суяк, жигар каби тана қисмлари рамзий маъно касб этган.

2. Шомонлик эътиқодида аёл талқини

Барча динлар ва диний эътиқодларда бўлгани сингари шомонликда ҳам аёл рамзи асосий ўринни эгаллаган. Маълумки, Марказий Осиёда яшаган туркий қавмлар қадим замонларданок руҳларнинг мавжудлигига ишонганлар. Манбалардан аниқланишича, туркий қавмлар орасида шомонлик касбини қўлга киритган, ўз қавми орасида буюк шомон сифатида танилган кишилар дастлаб эркак кишилар бўлганлар⁷. Шомонлик касбини эркак жинсига мансуб кишилар томонидан қўлга киритилиши Сибирда истиқомат қилувчи туркийлар орасида қайд этилган.

Ўзбекистонда яшовчи туркий қавмлар орасида шомонлик касбини асосан, аёллар эгаллаши кузатилмоқда. Фақат профессор М. Жўраевнинг шахсий архивида сақланаётган «Бойсун баҳори» халқаро фестивалининг видеотасвирида шомон чолнинг зикрга тушаётганлиги, тилига қиздирилган капкирни босиб томоша кўрсатаётганлиги қайд этилган⁸. Қизиғи шундаки, томоша кўрсатаётган кишининг қўлида бобосидан мерос қолган қамчи, тумор, пичок

⁵ Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани Нурсуҳ қишлоғи. 2009 йил.

⁶ Мингбоева Д. Тимсоллар тилсими.... – Б. 43

⁷ Новик Е. С. Обряд и фольклор в Сибирском шаманизме..– Москва, 1984. – С. 237.; Дыренкова Н.П. Материалы по шаманству у телеутов // Сборник музея антропологии и этнографии. Т. X. – М., 1949.; Булатов А. Реликты шаманства у народов Дагестана // СЭ. – 1991. – № 6. – С. 117.

⁸ Қаранг: Қаямов О. Ўзбек шомон маросимлари фольклорининг асосий жанрлар таркиби. – Навоий, 2006. – Б. 5.

каби предметлар мавжуд. Холбуки, шомонларнинг зикрга тушиши, рухларни чорлаш, уларни муайян мақсад сари йўллаш жараёнидаги экстаз ҳолат бўлиб, маросимда иштирок этаётган барча қатнашчиларни рухан ўзига эргаштиради. Шомонлик эътиқодида зикр ўтганлар руҳини ёд этиш мақсадида амалга оширилади. Қадимги шомонларнинг зикр тушиш ҳолати кейинчалик миллий маданиятда рақс санъатининг майдонга келишига асос бўлган.

Н. П. Диренкова телеут шомонлик эътиқодини кузатар экан, олтойликлар орасида қадимдан шомонликни эркаклар қабул қилганлиги, улуснинг энг эътиборли кишиси ҳам шомон саналганлиги, бу анъана XX аср бошларида ҳам қайд этилганлигини ёзиб қолдирган⁹. К. Д. Уткиннинг фикрича, ёкутларда шомонлик ота уруғи ҳукмронлигининг майдонга келиши ва ривожланиши билан боғлиқ бўлиб унинг шаклланиши неолит ва палеолит даври одамларининг ғоялари ва анъаналари билан йўғрилгандир¹⁰. Шунингдек, тадқиқотчи Байкал қояларидаги суратларда акс эттирилган эркак шомон, аجدодлар руҳи ва руҳ ниқобини кийган кишиларнинг тасвирларига таяниш Сибир туркий халқларида шомонлик эътиқодининг қачон майдонга келганлиги борасида аниқроқ хулосага келишга асос бўлади, деб ҳисоблайди. Худди шундай мулоҳазаларни А. П. Окладников тадқиқотларида ҳам учратиш мумкин. Унинг фикрича, «шомонлик тасаввурлари мажмуи жуда қадимий илдизларга эга бўлиб, палеолит даври ғояларига бориб тақалади»¹¹. А. П. Окладников ва Н. П. Диренкова шимолий ҳудудларда истиқомат қилувчи туркий қавмлар шомонлик эътиқодига доир материаллар асосида хулоса чиқарганликлари кўриниб турибди.

Аёл рамзи билан боғлиқ қарашлар шомон руҳлари таркибига кирувчи “момо” руҳи билан боғлиқ қарашларда ҳам ўз аксини топган. Масалан, Фарғона водийси аҳолиси орасида кўзга кўринмас момо руҳлар ўзи танлаб олган аёлга ҳомийлик қилиб, унинг қўли билан бева-бечораларга ёрдам кўрсатиши тўғрисида тасаввурлар кенг тарқалган. Момолар қарамоғига

⁹ Диренкова Н. П. Материалы по шаманству у телеутов... – С. 107.

¹⁰ [www. Ruthenia.ru/folklor](http://www.Ruthenia.ru/folklor).

¹¹ Окладников А. П. Прошлое Якутии до соединения к Русскому государству. – Якутск. – 1949. – С. 32.

тушиб қолган аёллар, одатда, доялик билан шуғулланиб, туғадиган ёки янги туққан аёлларни турли ёвуз руҳлардан ҳимоялаш вазифасини бажарадилар. Шунинг эътиборга олган ҳолда, баъзи ҳудудларда бундай аёллар “киндик момо” ёки “доя момо” деб ҳам юритилади. Бундан кўриниб турибдики, момо руҳи дояларнинг ҳомийси ва пири ҳисобланади.

Анъанавий дунёқарашга кўра, барча касбларнинг ўз ҳомийси – пири бўлади. Жумладан, момоларнинг ҳам ўз пирлари бўлиб, водий ўзбеклари орасида улар Анбар она, Биби Фотима номлари билан талкин қилинади. Масалан, водийда доя момолар тўлғоқ пайтида аёлнинг эсон-омон қутулиб олиши учун “менинг қўлим эмас, Анбар онамнинг қўли” деб ҳомий руҳлардан мадад сўрайдилар¹².

Манбаларда қайд этилишича, Анбар она аёллар машғулотларининг ҳомийси ва пири ҳисобланган. Ривоятларга кўра, у даставвал шайх Ҳаким отанинг завжаси бўлган, шайх вафот этгач, Занги отага турмушга чиққан. Анбар она ҳақида ҳосилдорлик маъбудалари, жумладан Авестодаги Анахита маъбудасига ўхшатиб баён этилган афсоналар ҳам бор. Анбар онага бағишлаб ўтказиладиган урф-одат ва маросимларнинг кўпчилиги сув тошқини, бола туғилиши ва ҳосилдорлик билан боғлиқ бўлган. Сумалак учун тайёрланган буғдойнинг тез ёки секин униб чиқиши ҳам Анбар она номи билан боғланган. Анбар онага бағишлаб ўтказиладиган тадбирларда отин ойилар, доялар, сеҳргарлар, парихонлар уни шарафига турли хил таомлар тайёрлаганлар¹³.

Анбар онага оид қарашлар ўзининг архаик кўринишларига эга. Жумладан, қадимдан Хоразмда Анбар онага аёллар ва аёлларга хос касб-корлар ҳомийси сифатида қаралган. Хоразм аёллари Анбар онани ғоят қадрлаганлар, ўз йиғинларида унга атаб Қуръон тиловат қилганлар. Айниқса, табиблик, азайимхонлик, кинначилик билан шуғулланувчи аёллар бирор-бир беморни даволашдан олдин Анбар онадан мадад сўраб, дуо ўқиганлар¹⁴.

¹² Дала ёзувлари. Андижон вилояти Шахрихон тумани Камолтепа қишлоғи. 2010 йил.

¹³ Бу ҳақда қаранг: Ислом. Энциклопедия. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2004. – Б.29–30

¹⁴ Снесарев Г. П. Реликты ... – С. 66.

Марказий Осиё халқлари, жумладан, қозоқлар ва туркманларда шомонлик билан асосан, эркаклар шуғулланади. Чунки, қозоқ ва туркманларда патриархал анъаналарга кўра, шомонлик эркакларнинг вазифаси ҳисобланган. Шомонликнинг ўзбек ва тожикларда аёллар орасида кенг тарқалиши эркакларда шомонлик касаллигига нисбатан иммунитетнинг^{*} баланд-пастлиги билан изоҳланмайди. Бундай вазиятни ислом динининг узоқ вақт давомидаги таъсири натижаси деб ҳисоблаш мумкин. Фарғона водийсида шомонлик билан кўпроқ аёлларнинг шуғулланишини уларнинг психик ҳолатларга тезроқ мослашиши билан изоҳласа бўлади.

Баъзан шомонлар орасида ёш оилали аёллар ҳам учраб туради. Айрим манбаларда ёзилишича, аёллар шомонликни мажбурият юзасидан қабул қилганлар¹⁵. Улар оддий кишилардан фарқ қилмаса-да, айрим жиҳатлари билан ажралиб турганлар. Шомон аёллар табиатида қуйидагиларни кузатиш мумкин: одамовилик, бегона кишилар ва ғайридинларни қабул қилмаслик. Аксарият шомонлар яқин қариндошлари ва қўшнилариинигина даволаганлар¹⁶.

Марказий Осиёга ислом динининг кириб келиши билан шомонлар таъқиб остига олинган. Шунинг учун уларга эҳтиёж туғилган пайтдагина мурожаат қилганлар. Масалан, Наманган вилояти Учқўрғон тумани Қўғай қишлоғида яшовчи Гулсара бахшининг айтишича, уни қўни-қўшнилари оилавий маросимларга таклиф қилади. Бироқ, қўшнилариининг асосий қисми маросимлар пайтида ундан ҳадиксираб, кўрқиб муомала қилади¹⁷.

Водийда яшовчи аксарият аёл бахшилар орасидаа “шомон касаллиги” тўғрисидаги қарашлар қисман бўлса-да, ҳанузгача сақланиб қолган. Буни бирор кимса узоқ вақт касал бўлса, у яқинлари, танишлари ёки табиблар маслаҳатига кўра, соғайишнинг бирдан бир йўли – бу руҳлар билан алоқа қилиш вазифасини бўйнига олиш эканлигига ишонишида ҳам кузатиш мумкин.

^{*} Иммунитет – лотинча *immunitas* сўзидан олинган бўлиб, бирон нарсадан халос бўлиш деган маънони билдиради. Бунда тирик мавжудотларнинг ўз бутунлиги ва биологик ноёблигини бузувчи “ёт” омиллардан ҳимояланишга алоҳида эътибор қаратилади. Бу ҳақда қаранг: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2002. Т.4. – Б. 131.

¹⁵ Горшунова О. В. Узбекская женщина: ... – С. 277.

¹⁶ Дала ёзувлари. Андижон вилояти Шаҳрихон тумани Сарой қишлоғи. 2010 йил.

¹⁷ Дала ёзувлари. Наманган вилояти Учқўрғон тумани Қўғай қишлоғи. 2010 йил.

3. Ислом динида аёл шахсига бўлган муносабат ва унинг ўзига хос жиҳатлари

Ислом динида бажарилиши шарт бўлган бешта фарз билан биргаликда ислом динида кўпхотинлик ва ажралишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Қурони каримда бу ҳақда шундай келтирилади: “Сизлар учун никоҳи ҳалол бўлган аёлларга иккита, учта, тўртадан уйланаверингиз. Бордию, (улар ўртасида) одил бўла олмасликдан қўрқсангиз, бир аёлга (уйланинг) ёки қўл остингиздаги чўри билан кифояланинг”¹⁸. Бу эса ўз навбатида жамиятда нопоклик ва маиший бузуқликларнинг олдини олиш мақсадида ислом динида кўпхотинликка руҳсат берилганининг далилидир. Лекин шу билан бирга ушбу меъёрлар оилани мустаҳкамлашга ҳам йўналтирилгандир. Мана шунга мувофиқ ислом эркакдан оилани боқишни талаб қилади. Агарда эркак оиласини моддий таъминлай олиш имкониятига эга бўлмаса, у иккинчи хотинга уйланиш ҳуқуқига эга ҳисобланмайди. Бир неча хотинга эга бўлган эркак оилавий ҳаётнинг барча жабҳаларида уларнинг ҳар бирига тенг ва бирдай эътибор қаратиши лозим саналади¹⁹.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, кўплаб ислом ҳуқуқшунослари ва файласуфлари ислом динида оила тушунчаси билан боғлиқ кўплаб “Шаръий ҳукмлар” мавжудлигини кўрсатиб ўтадилар. Шундай татар олимлардан бири Аҳмад Ҳодий Мақсудий оила мустаҳкам ва барқарор бўлиши учун қуйидагиларни кўрсатиб ўтади: “Эр ўз хотинини адолат, тўғрилиқ ва зулм ўтказмай тарбия қилиши”, “Хотинини одатдаги ўртача кийим ва таом билан таъминлаш”, “Эр ва хотин бир-бирига ва қариндошларига хушмуомилада бўлиши”, “Икки хотинли эрлар ҳар икки аёлига тенг ва баробар муносабатда бўлиши”²⁰ каби шартларга амал қилиши лозим.

Ислом таълимотининг асоси ҳисобланган Қуръони каримда оиланинг тинчлиги ва фаровонлигини таъминлаш ҳамда солиҳ фарзандларни тарбиялаб вояга етказишда никоҳ шартномаси яъни, оиланинг давомли бузилмас

¹⁸ Қуръони Карим (Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур). “Нисо” сураси. 3-оят. –Б.77.

¹⁹ Религия в истории и культуре. Под редакцией профессора М. Г. Писманика. 2-изд-е. – М. 2000. – С. 448.

²⁰ Аҳмад Ҳодий Мақсудий. Шаръий ҳукмлар тўплами. Тошкент.: Шарқ, 1990. -Б.3-11.

бўлиши катта аҳамиятга эгаллиги қайд этилган. Ислом ҳуқуқининг никоҳ шартномасида оиланинг бузилиши қораланади. Оиланинг бузилиши жамият тараққиётида салбий оқибатларга сабаб бўлишлиги нафақат ислом динида балки, зардуштийларнинг муқаддас китоби “Авесто”да ҳам бир неча бора таъкидланган²¹.

XX асрнинг охирига келиб Ғарбий европада оиланинг тараққиёти билан боғлиқ инқирози ҳақидаги кўплаб фикр мулоҳазаларнинг кўпайиши, айрим тадқиқотчиларнинг фикрича диний эътиқоднинг сусайиши натижаси эканлиги кўрсатилмоқда. Ливерпул епископи ва бош рухонийси ушбу жараён хусусида одатдаги статистик маълумотлар ёрдамида чиқарган хулосаси диққатга сазовордир. Унинг хулосасига кўра: “Британияда болаларнинг 34% никоҳсиз туғилмоқда, тахминан шунча миқдордаги катта ёшлилар ажралиш аламидан азият чекоқда, келгуси йигирма йил давомида британиялик болаларнинг ярмидан озроғигина ота-она тарбиясини олади ва ҳк.”²². Бунинг натижасида қаровсиз қолган фарзандлар ва уларнинг жиноят йўлига кириб кетиш ҳолларининг кўпайиши, ота-онанинг ажралиши туфайли етказилган кучли руҳий зарбанинг инсонга бир умр зиён етказиши бугунги кунда Ғарб диний арбоблари ва тадқиқотчилари томонидан баралла айтилмоқда. Ушбу салбий жиҳатлар оила ҳаётида диннинг кучсизлиги, шахс худбинлиги ва маъсулиятсизлиги туфайли вужудга келаётгани таъкидланмоқда, бу эса оила ҳаётида ислом динининг нақадар катта амалий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб турибди.

Ислом ҳуқуқида оилавий ҳаётни давом эттириш, унда кўзда тутилган мақсадларни рўёбга чиқариш мумкин бўлмай қолгандагина сўнгги чора сифатида ажралишга руҳсат берилади. Бу борада Пайғамбар (с.а.в) дан келтирилган қуйидаги ҳадиси шарифлар машҳурдир: “Уйланинглари, талоқ²³ қилманглари, чунки талоқ сўзидан Раҳмоннинг арши ҳам ларзага келади”,

²¹ Батафсил қаранг: Авесто / А.Маҳкам таржимаси. -Т.: Шарқ, 2001.

²² Тимоти Ж.Уинтер (Абдулҳаким Мурод). XXI асрда Ислом: Постмодерн дунёда қиблани топиш. -Т.: Шарқ, 2005. – Б. 95.

²³ Талоқ (арабча- озод бўлмоқ, ажралмоқ) – шариатда эр томонидан эълон этилиб, никоҳнинг бекор қилиниши. Батафсил қаранг: Ислом справочник. Ф.ф.д М.А.Усманов таҳрири остида. Ўзбек совет энциклопедияси бош редакцияси. Тошкент., 1986. -Б.160.

“Ҳалол ва руҳсат этилган нарсалар ичида тангрига хуш келмайдигани талоқдир”²⁴. Ушбу оятларнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш жоизки, талоқ қилиш, яъни оилани бузиш исломга ва мусулмон киши учун маъқул иш ҳисобланмайди. Шунинг билан биргаликда оилани сақлаб қолиш ва ривожлантириш рағбатлантирилади. Бундан ташқари зардуштийларнинг муқаддас китоби “Авесто” да ҳам оила муқаддас саналгани учун бошқа сабабларга кўра, жумладан, иғво, тухмат, эр-хотиннинг ўзаро келишмовчилигига, ота-она билан чиқиша олмаслик баҳонаси билан никоҳни бекор қилинишига йўл қўйилмаган²⁵лиги хусусида қайд этилганлиги оиланинг бузилишига қадимдан қаршиликлар мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди.

Шундай қилиб хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, маълумки, барча халқлар муайян тарихий даврларни босиб ўтар экан, улар ўз даврида мавжуд динлар билан бевосита алоқада бўладилар, дин эса халқларда ўзига хос психалогик хусусиятларнинг шаклланишига ўз таъсирини кўрсатади.

Асрлар давомида шаклланган зардуштийлик оила турмуш анъаналари кейинчалик ислом даврида ҳам оилавий маросимларимизда ўз кўринишларини йўқотмаган ва ҳаттоки, бугунги кунда ҳам исломий анъаналар таркибида синкретик тарзда сақланиб қолган. Ўзбеклар оила турмуш анъаналарида анъаналари урф-одат ва маросимларининг кўпчилиги мазмун-моҳиятига кўра зардуштийлик дунёқараши билан ўзаро боғлиқдир.

Ўзбек халқининг ижтимоий, тарихий тараққиёти жараёнида оила ҳам ўзига хос тараққиёт босқичини бошидан ўтказиб, унда ислом дини муҳим рол ўйнаган ва бугунги кунда ҳам муҳим ўринга эга. Оилада эр ва хотин, қайнона ва келиннинг бир-бирларига толерант муносабатда бўлишга одатланиши оила тинчлиги ва фаровонлиги гаровидир. Ислом динининг қонуни шариатда эр ва хотиннинг ўзларига хос одоб шартларига риоя этишлари орқали оилада тинчлик барқарорлик бўлиши асосий омил сифатида асосланиб берилган. Агар эр ва хотин бир-бирларига нисбатан ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, энг

²⁴ Ҳикматуллаев Ҳ. Мансур А. Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари. Т.: Фан, 1990. -Б.12.

²⁵ Аширов А. “Авесто”дан мерос маросимлар. Т.:Халқ мероси, 2001. -Б 24.

муҳими сабр-тоқат, ҳар қандай қийинчиликларга бардошлилик билан муносабатда бўлса, оилада тинчлик ҳукмрон бўлиб, бахт ва саодат, шодлик доимий ҳамроҳга айланади. Ана шу жиҳатдан исломнинг оила толерантлиги ғоясини ўрганиш ва тарғиб этиш ёшларни толерантлик руҳида тарбиялашга хизмат қилиши шубҳасиз. Бу шундан далолат берадики, ислом ва унинг шариат талаблари шахсий ҳаётида ва умуминсоний муомиладаги энг зарур ва гўзал фазилатларни ўзида акс эттирган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Каримов И. А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид: барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 425 б.
2. Абдуллаев У. С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – 216 б.
3. Алимова Д. А. Женский вопрос в Средней Азии: история изучения и современные проблемы. – Ташкент: Фан, 1991. – С. 132.
4. Аширов А. А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Кутубхонаси нашриёти, 2007. – 275 б.
5. Басилов В. Н. Культ святых в исламе. – М.: Мысль, 1970. – 144 с.
6. Горшунова О. В. Женское паломничество к святым местам (по материалам Ферганской долины) // Итоги полевых исследований. – М.: Наука, 2000. – С. 23–39.
7. Горшунова О. В. Узбекская женщина: Социальный статус, семья, религия (по материалам Ферганской долины). – М.: Наука, 2006. – 360 с.
8. Косвен М. О. Ибтидоий маданият тарихидан очерклар. – Тошкент: Фан, 1990. – 241 б.
9. Мингбоева Д. Тимсоллар тилсими. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – 179 б.
10. Наливкин В. В., Наливкина М. В. Очерки быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. – Казань: Университет, 1886. – 203 с.

